

ШОИР ШЕЪРИЯТИДА КЎНГИЛ ТИМСОЛИ

М.Ҳамраева

ф.ф.н., доц. Термиз ДУ.

<https://doi.org/10.5281/zenodo.20334935>

Аннотация. Ушбу мақола замонавий ўзбек адабиётида ўз ўрнига эга умидли ижодкорларимиздан бири Мирзоҳид Ботировнинг "Кўнглим билан кимнинг иши бор?", "Ёзуғим-Аллоҳнинг энг ёруғ хати" номли шеърларининг таҳлилига бағишланган. Шоир шеърлятида кўнглим тимсолининг ёритилиши, ҳаёти давомида бир умр Ватан соғинчи билан яшаган Бобур образининг ёрқин рангларда акс эттирилиши, ижодининг ўзига хос жиҳати оҳорли ифодалар ҳамда гўзал табиҳлардан фойдаланиши маҳоратини ўрганиши асносида текширилди.

Мирзоҳид Ботиров ўзбек шеърлятида "Ҳайрат чоҳлари", "Деразангни оч", "Ҳаёт симфонияси", "Энг ёруғ хат" каби шеърлий тўпламлар яратиб, самарали ижод қилаётган ҳамда бетакрор шеърлари билан қалбларни забт этиб бораётган севимли ижодкорлардан бири ҳисобланади. Унинг қаламига мансуб бўлган шеърларда кўнглим тимсоли ўзгача тарзда талқин этилгани, ўзлигини топишга уринган қаҳрамоннинг дил дардлари, руҳияти, ёниқ қалбнинг ҳароратли битиклари сифатида таассурот қолдирилиши каби масалалар таҳлилга тортилгани билан ҳам аҳамиятлидир.

Калим сўзлар: шоир шеърляти, кўнглим тимсоли, Ватан соғинчи, руҳият, самимий сатрлар, сўнгсиз туйғулар, лирик қаҳрамон қалби, суврат ва сийрат.

Кўнглимлар султони ҳазрати Жалолиддин Румий таъбири билан айтганда, "Энг буюк Ҳаж бир кўнглимга йўл топиб киришдир. Бир кўнглим юзларча Каъбадан гўзалдир.

Каъба ҳазрати Иброҳимнинг биноси бўлса, кўнглим Аллоҳнинг назаргоҳидир..".

Дарҳақиқат, Мирзоҳид Ботиров шеърлятида кўнглимнинг муқаддаслиги куйланиши билан бирга, кўнглимларда яшаш бахтлигини ҳис қилган қаҳрамон сийрати ва суврати гавдалантирилади. Ҳазрати Румийнинг фикрига ҳамоҳанг равишда шоир ўз шеърлятида кўнглим тимсолини биринчи планга кўтара олгани унинг ҳаёт фалсафаси, руҳияти китобхонни беътибор қолдирмаслигига амин бўласиз.

Мирзоҳид Ботиров ўзбек адабиётида ўз овози ва ўз йўлини топишга интилган ва бугунги кунда минглаб шеърлят мухлисларининг қалбидан жой олган ижодкор ҳисобланади. Дарҳақиқат, Мирзоҳид чин маънода, ўзига шеърлятни қисмат деб билган, шу йўлда "исмсиз туйғулар" шоирга айланган ижод соҳибидир. Албатта, унинг самимий сатрларга қорилган бетакрор шеърляти адабиёт муҳиблари қалбини ларзага солиши ҳамда ижод дурдоналарининг севиб ўқилишининг ҳам сири ана шунда десак фикримиз муболаға бўлмайди.

Шоирнинг "Кўнглим билан кимнинг иши бор?", "Ёзуғим-Аллоҳнинг энг ёруғ хати" каби шеърлятини ўқиб, рўйи заминда дунё дардларига енгилмай, сабот ва матонат билан яшаётган лирик қаҳрамоннинг суврати кўз ўнгингизда намоён бўлади. Шоирнинг куйма сатрларини ўқир экансиз, кўнглимни барча-барчасидан устун қўйган, кўнглим поклигини асрай олган лирик қаҳрамоннинг изтироблари, ғамлари, азоблари китобхонни бир лаҳза бўлсада, ўйлашга, ҳаёт синовларини енгиб, тўғри яшашга ундашини ҳис қиласиз:

Худо шундай яратиб қўйган,
Курагимда кимлар ниши бор?!
Қирқ беш йил туйғулар ўйган,

Шоир билан кимнинг иши бор?!
Кимларгадир истикбол керак,
Кимларгадир ҳасбу ҳол керак,
Дунёсига бир ҳаммол керак,
Кўнглим билан кимнинг иши бор?!

Ушбу мисраларда шоир инсон зотининг безътиборлиги, оқибатсизлиги, келгусида истикбол ва мартаба учун майдалашиб кетиб, энг муқаддас маъво кўнгил салтанатига зарар етказётган кимсаларга “Ахир, кўнглимда нима бор, билмайсизку, мен инсонларга эзгулик соғинган пок кўнгил учун яшаяпманку, наҳотки, поклик сувида чайилган кўнгил ҳаммасидан баландлиги, энг муҳими, кўнгилга озор бермаслик кераклигини унутдик” дегандек тасаввур уйғотади. Шоирнинг лирик қаҳрамони барча ғам, дардни ўз елкасига олган, умидсиз инсон. Гўёки, унинг тасавурида барча орзулар шами ўчиб қолса ҳам, ҳаттоки, бўлсам бўлмасам кимга қайғу дея афсус чексада, ҳар қандай ҳолатда ҳам кўнгилни асраш кераклигини уқтиргандай таассурот уйғотади.

Мен оғрисам кимгадир кулгу,
Хатоларим топади урғу,
Меникидир бари ғам қайғу,
Кўнглим билан кимнинг иши бор?!

Чегалидир дил-синик косам,
Лип-лип ўчар орзуларим шам,
Кимга қайғу бўлсам бўлмасам,
Кўнглим билан кимнинг иши бор?!

Лирик қаҳрамон кечмиши давомида одамийлик дунёсидаги турфа ҳодисотлар дилини кемирганини “Тиши йўқлар, кемирар дилим” деб озорланган кўнгил дунёсини тавсиф этса, ўзни овутмоқ, кўнгилга таскин бермоқ ниятида айтган сўзи учун “Кесгим келар, ёлғончи тилим” дейди. Бу билан ўтган умридан кўнгли тўлмаган кўнгилпараст инсон сувратини чизиб қўяди.

Дарбадарман, тўқлар ичида,
Миллат ғами йўқлар ичида,
Минг йил куйса, чўғлар ичида,
Шоир билан кимнинг иши бор?!
Тўрт томоним чақир, тош йўлак,
Қашқирлари ютади сўлак,
Паноҳи йўқ, Худодан бўлак-
Шоир билан кимнинг иши бор?!
Кўнглим билан кимнинг иши бор?!

Ушбу мисраларда шоирнинг лирик қаҳрамони, тириклик дунёсининг турфа азобларида кўнгли неча бор тилкаланган, бу рўйи заминда миллат ғами эмас, ўз манфаати йўлида ҳеч нарсадан қайтмайдиган нокас кимсалар орасида, ёлғизгина паноҳи Аллоҳ эканлигини ҳис қилган шахс. Шахсининг азобли йўлида унга Сўз ҳамроҳлик қилаётгани ҳам мисралар қатидан англашилади.

Мирзоҳид Ботировнинг ижодида “Ёзуғим-Аллоҳнинг энг ёруғ хати” деб номланган шеъри муҳим аҳамиятга эга.

Аслан Бобур Мирзонинг юртдоши бўлган шоирнинг шеърларида мавзу ва ранг-баранглик жиҳатидан Бобур шеърларига яқинлик сезаман. Унинг ўзбек мумтоз адабиётининг Алишер Навоидан кейинги эътиборли вакили Заҳириддин Муҳаммад Бобур таваллудига бағишлаб ёзилган мисралари ҳам юракларни асир этади. Илк мисрасиданоқ, сарсон саргардонликларга тўла ҳаётини дилбар ғазаллари, бетакрор ижоди билан жозибали қила олган ҳамда бир умр Ватан соғинчи билан яшаган нуроний зотнинг сиймоси кўз олдингизга келади:

Бир шеърга сиғмади Бобур қисмати,
Юрак талвасаси, сўзнинг ҳайбати.
Осмондан эланиб тушган томчилар,
Ва Ватан соғинчин барий кулфати.

Ватанни шу қадар соғинган лирик қаҳрамон япроққа айланиб қолишни истайди. Шамолга эланиб, соғинч оловида жизғанак бўлиб ёниб, Бобур тилида шеър ўқидим дейиши билан ўз Ватанига, жонидан ортиқ кўрган Боғишамолига бўлган чексиз меҳрини изҳор қилади:

Мен бир шеър ўқидим, япроқ тилида,
Шамолга эланиб, оловда куйиб.
Мен бир шеър ўқидим, Бобур тилида,
Боғишамолимни жон қадар суюб.

Мирзоҳид Ботиров бетакрор сатрларида инсон ёлғиз қолган дамларда, қалб билан сирлашишини, кўнгилга мурожаат этишини, бошқача айтганда, энг ёруғ тилаклар ёлғизгина Аллоҳга битилишини ёрқин ва тиниқ рангларда тасвирлашга интилади:

Шеър ўқийман, пойингга қўйиб бошимни,
Келди бугун ёзмок, ёнмок фурсати!
Тошлар тарс ёрилган сир ичидаман,
Кўзларим етмаган нур ичидаман,
Дунёдан кўз юмган дил ичидаман,
Ёзуғим - Аллоҳнинг энг ёруғ хати.

Шоирнинг лирик қаҳрамони шеър якунида ўз қисматидан ёзғириш билан бирга Бобур Мирзога қисматига ўхшаш кечмиш такрорландими деб фарёд чекади ва айнан куйидаги мисраларда дили азобланган, юрагининг бутун жойи қолмаган, осмонга урилиб, ўзига қайтиб келган ҳар сўзида Бобур қисматидан шохидлик бераётган кўнгилинг изтироблари қоришиқ ҳолда тасвирланади:

Бир шеърга сиғмади Бобур қисмати,
Сўзлардан танг бўлди, дилим ҳар қати.
Осмонга урилиб қайтган сўзимда,
Нетонг, ниҳон бўлса Бобур ҳикмати!

Умуман олганда, шоиршеърлятида кўнгили тимсоли ёрқин рангларда тасвирлангани, ижод намуналарининг гўзал ташбеҳларга бойлиги, оҳорли ифодалардан фойдаланиш маҳорати юқорилиги билан муҳим аҳамият касб этади.

Шеърлар инсонни ҳар қандай ҳолатда ҳам муқаддас ошиён кўнгилини эъзозлаб яшаш кераклигини, ҳар онда Ватанни севиб ва ардоқлаб яшашга, буюк боболаримизга муносиб бўлишга ундаши, самимиятга қорилган сатрлари билан шеърят ихлосмандлари қалбидан муқим жой олиши табиийдир.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. М.Ботиров.Хайрат чоҳлари (Шеърлар, ғазаллар, дostonдан парчалар,манзумалар, учликлар).Андижон-2020.-"Наманган" 130-бет
2. М.Ботиров.Деразангни оч.-Тошкент.,-Янги аср авлоди, 2021 йил, 144-б.
3. М.Ботиров.Хаёт симфонияси.-Тошкент.,-Янги аср авлоди, 2021 йил,208-б
4. М.Ботиров.Энг ёруғ хат.-Тошкент.,-Фарғона, 2022 йил,156-б.
5. t.me/guzal_yozgichlar